Ушбу сонда:
2 ҚАШҚАДАРЁ БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАДИ
3 ҚОРАҚАЛПОҚ БОЛАЛАРИ Фарғона оромгоҳларида
4 БОҚИЙ ШАҲАР ёки Термиз дарғалари

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 13 июн, чоршанба №91 (1105)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ОҚСАРОЙ» ҚАРОРГОҲИДА ҚАБУЛ

12 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Оқсарой» каргоҳида таниқли россиялик олим, йирик жамоат арбоби, сиёсатшунос ва ёзувчи Федор Бурлацкийни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов россиялик меҳмонни Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёни ва мамлакатимизни ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳатлари билан батафсил таништирди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш, абитуриентларга тест синовларидан ўтишда қулайликлар яратиш ҳамда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2001/2002 ўқув йилида:

бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 49500, шу жумладан 19800 давлат грантлари ва 29700 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича:

магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 4200, шу жумладан 1400 давлат грантлари ва 2800 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича тақсимлансин.

2. 2001/2002 ўқув йилида тиббиёт олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил этилган 3 йиллик олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимларига умумий қабул квоталари 200, шу жумладан давлат грантлари бўйича 100 ва тўлов-контракт асосида 100 квота белгиланиб, улар республика тиббиёт олий таълим муассасалари бўйича тақсимлансин.

3. 2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

4. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда ўзларига қарашли таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги бакалавриат ва магистратура бўйича ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни бир ҳафта муддатда Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

5. Республика умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини олий маълумотли ўқитувчилар ва педагог-муҳандислар билан таъминлаш мақсадида 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти, шунингдек Урганч, Қорақалпоқ, Андижон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетлари таркибида ўрта махсус маълумотга ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагог кадрларни давлат грантлари асосида тест синовлари орқали қабул қилиш ва бакалавриатда ўқитиш учун махсус сиртқи бўлимлар очилсин.

Белгиланган ушбу тоифадаги педагог кадрларга олий маълумот бериш учун бакалавр даражасига мўлжалланган уч йиллик ўқув дастурлари ишлаб чиқилади ва таълимнинг блокли тизими жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 10 кун муддатда қайд этилган олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига қабул квоталари юзасидан, уларнинг моддий-техника ва ўқув-методик базаси имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, Ҳукуматнинг тегишли қарори лойиҳасини тайёрласин ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда педагогика ва касбий-педагогик тайёргарлик йўналишлари бўйича уч йиллик дастурлар асосида сиртқи бўлимларда бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсин;

бир ой муддатда Давлат таълим стандартлари талаблари асосида уч йиллик ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшаётган ва Тошкент шаҳри ҳамда вилоят марказларида жойлашган олий таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирган абитуриентларни 10 июлдан 10 августгача бўлган муддатда, олий таълим муассасалари қабул комиссиясига тақдим этиладиган тасдиқловчи ҳужжатлар асосида, тегишли манзилга бир маротаба бориб келиши учун бепул темир йўл чипталари билан таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини абитуриентларнинг сони ва йўналишлар ҳақидаги тасдиқловчи маълумотлар билан ўз вақтида таъминласинлар.

8. Давлат комиссиясига, Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратурасига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низомлар иловаларига ҳамда тест синовлари натижаларидан келиб чиқиб, тўлов-контракт асосида белгиланган умумий қабул квоталари доирасида, қабул кўрсаткичларига зарур бўлган ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

9. Олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлашдан тушган маблағлари, улардан моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини ўқитишнинг янги воситалари билан таъминлаш, олий таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли фойдаланилган тақдирда, истисно тариқасида, солиқлардан ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлардан беш йил муддатга озод қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2001/2002 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда олий малакали ҳамширалар тайёрлаш учун белгиланган қабулни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000/2001 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2000 йил 8 июндаги 222-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С. Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 12 июн

УЙ ШАРОИТИДАГИ СТАЦИОНАР

Шифокорларнинг қарийб етмиш фоизи олий ва биринчи тоифага эга бўлган пойтахтдаги 34-оилавий поликлиникада «Оналар ва болалар» йили муносабати билан махсус тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар режа асосида татбиқ этилмоқда.

Жарроҳлик, физиотерапия, аёллар касалликлари бўлимлари, лаборатория, рентген бўлими, кундузги шифохона хизматидан мижозлар мамнун. Бу ерда мактаб ёшигача бўлган кичкинтойлар, болалар, ўсмирлар, туғиш ёшидаги аёллар муҳофазаси бўйича айниқса, кенг кўламда иш олиб борилябти.

Замонавий усулда қурилган ушбу поликлиника бир сменада 600 беморни қабул қилишга мўлжалланган. Шифохона беш минг тўрт юздан ортиқ хонадондаги қарийб ўттиз тўрт минг аҳолига хизмат кўрсатади. Шулардан қарийб ўн мингини болалар ташкил этади.

— Ҳудудимизда еттита боғча, учта мактаб, иккита меҳрибонлик уйлари мавжуд, — дейди бош шифокор Шахзодахон Алиева. — Улар барча мутахассисларни жалб этган ҳолда оммавий тиббий кўрикдан ўтказилди. Касаллик аломати борлар дарҳол диспансер назоратига олинди. Шунингдек, мактаблар қошида махсус тиббий бригадалар тузилиб, уларга тор соҳа мутахассислари ҳам бириктирилди. Туманда фаолият кўрсатаётган 4-тери-таносил диспансери, 3-силга қарши диспансер ва шу ҳудудга яқин бўлган педиатрия илмий олийгоҳининг мутахассис ва домлалари ҳам бу ишга жалб этилди.

Оналар мактаби иши ниҳоятда кучайтирилди. Яъни бир ёшгача бўлган болаларни она сути билан боқишга катта аҳамият берилди. Поликлиника ҳудудида 7629 нафар туғиш ёшидаги аёл истиқомат қилади. Ҳозиргача уларнинг ярмидан кўпи профилактик кўрикка жалб этилди. 1775 нафари экстрегенитал касалликлар билан диспансер назоратига олиниб, улар билан соғломлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бу борада поликлиника ходимлари маҳаллалар фаоллари, айниқса хотин-қизлар қўмиталарининг раислари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйишган.

«Она ва бола» йили Давлат дастурини бажаришда 34-поликлиника тиббиёт ходимлари яна битта йўналишга алоҳида эътибор беришмоқда. Яъни ёш келин-куёвлар ҳам соғлиғини шу ерда тиклашга эришди. Кундузги шифохонага йигирма саккиз йиллик тажрибага эга бўлган олий тоифали шифокор Раҳима Файзиева бошчилик қилмоқда.

Бу ерда ҳам иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ҳомиладор аёллар, диспансер назоратида турувчи беморлар тўла-тўкис имтиёзга эга. Ундан ташқари ҳудудда ўн тўртта парваришга муҳтож қария бор. Улар учун уй шароитидаги стационар ташкил қилиниб, уйига бориб тиббий хизмат кўрсатилади.

Бироқ бу ерда ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Шулардан бири айрим чуқурлаштирилган текширув жараёнларини ўтказиб бўлмаслигидир. Аммо бунинг ҳам иложиси топилмоқда. Чунки поликлиника ёнида 2-Тошкент тиббий олийгоҳи, педиатрия илмий-татқиқот институти бор. Уларда барча замонавий текширув аппаратлари мавжуд. Олинган натижаларга қараб кейинчалик даволаш ишлари, муолажалар амалга оширилмоқда.

Бахтиёр МАНСУРОВ.

«Энг яхши ҳунарманд»

Ватанни ардоқлаш, суйиш кимда қай йўсинда намоён бўлади? Кимдир унинг таърифини келтириш, довруғини ошириш йўлида шеърлар битса, яна биров мухташам обидалар бунёд этади. Йўллар қуради, боғ-роғ яратади, эли, юрти равнақига сидқидил хизмат қилади.

ТОҒ ҚИЗИ яратган мактаб

Ойлар опа ҳам ана шундай фидойи инсонлардан. Мана, қирқ йилдирки, ипу игнасини қўлидан қўймайди. Баъзан толиққанидан нигоҳи толади, гоҳида бармоқларига бехосдан санчилган игна оғриғидан кўзлари ёшланади. Аммо ҳунарини эъзозлайди. Баъзилар унга нима азоб, ўзини қийнаб, чокини минг хил жилода тикадиган тикув машиналари турганда, деб ҳам қўйишади. Аммо опа момолардан қолган ноёб ҳунарини сабот билан давом эттиради. Уни ёшларга ўргатишга интилади.

— Сўлим Форишда ўсиб улғайганман. Биз тоғ қизларига момоларимиз эсимизни таниганимизданоқ қўлимизга игна-ип тутқазиб, кашта тикишни ўргатишган, - дейи Ойлар Холбоева. — Тақдир тақозоси билан Мирзачўлда қўним топдик. Кун бўйи далада ишлаб тунлари сўзана тикдим. Шундай пайтлар бўлдики ҳатто уни хурофотга йўйишди. Бора-бора баъзи аёлларимиз бу ҳунарни унутишди. Аммо мен ўша дамларда ҳам қизларим, сингилларимга ишимни ўргатдим. Мингдан минг шукроналар бўлсин — Истиқлолгина миллий меросимиз тикланишига имкон берди. Даставвал туман миқёсида Наврўз байрамида Ойлар опа ўзи яратган сўзана, бўхча, жияклар, куроқ ёстиқлар ва бошқа ижод намуналарини кўргазмага қўйди. Шу кун кўргазма атрофидан одам аримади. Айниқса, ёш келинлар буюмларни ўзгача ҳавас билан томоша қилишарди. Шу-шу Ойлар опани йўқлаб келувчилар, ҳунаридан бохабар бўлиш истагида бўлганлар кўпайди. Очиқ кўнгил аёл уларни ёнига олиб, тикувчилик сирларини сидқидил ўргата бошлади. 1996 йилда туманда «Уста ва шогирд», «Тадбиркор аёл» танловларида иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. Танловнинг вилоят босқичида ҳам ғолиб деб топилди. Республика кўригида эса совриндор бўлиб қайтди. 1997-98 йилларда «Ташаббус» тадбирининг туман, вилоят, мамлакат босқичларида муваффақиятли иштирок этди. «Энг яхши ҳунарманд» деган номга сазовор бўлди. Оддий матога гул тикиш, унга жило бериш осонмас. Шу ишни уддалаш учун инсонда касбига меҳр, ирода бўлиши керак. Ойлар опа заҳматли меҳнати билан мўъжизалар яратади, одамларга завқ улашади, хонадонларни безайди. Айни чоғда 50 нафардан зиёд қиз-жувон ўзини Ойлар Холбоеванинг шогирди деб билади. Бугунги кунда фаолият юритаётган «Зебо», «Шаҳноза», «Сардор-шоҳ» хусусий фирмаларига опанинг шогирдлари раҳбарлик қилишаяпти. Ҳунаридан обрў-эътибор топган аёл ҳозир маданият уйида маҳалла аёлларига, Усмон Юсупов номли мактабда 30 нафардан зиёд қизга чеварлик сирларини ўргатяпти. Улар тиккан сўзана, паранжи, чопон, бўхча, жияк, бешик анжомлари, олача, мангалайқош, яхтак, болалар тўни, миллий кўйлаклар, ёстиқ ва бошқа буюмларга талаб катта. Ўн нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган онахоннинг ҳали орзулари кўп. У Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллик тўйига муносиб тўёна ҳозирлаяпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Вазирлар Маҳкамасининг «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига шарҳ

Республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг иккинчи босқичи вазифаларини бажарилишини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган бир пайтда Вазирлар Маҳкамаси «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда умумтаълим мактаблари ва янги турдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари - академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юртларида 120 минг нафардан ортиқ ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилар меҳнат қилмоқда. Уларнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида олий маълумот олишлари учун қўшимча имкониятлар яратиш, ўқув жараёни сифатини ошириш мақсадида, қарорга кўра, 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, Наманган муҳандислик-педагогика институти, шунингдек, Урганч, Қорақалпоқ, Андижон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетларида ўрта махсус маълумотга ва камида уч йиллик педагогик стажга эга бўлган кадрларни қабул қилиш ва бакалавриатда ўқитиш учун махсус ишлаб чиқилган ўқув дастурлари бўйича сиртқи бўлимлар ташкил этилади.

Шуниси аҳамиятлики, бу мутахассисларни ўқитиш давлат грантлари асосида, яъни давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўсиб бораётганлигидан келиб чиқиб, бу йил олий таълим муассасалари магистратурасига қабул миқдори сезиларли оширилди.

Сув тақчиллигидан зарар кўрган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси ва ёшларини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида қарорда ушбу ҳудудларда яшаётган абитуриентларга қўшимча шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиш кўзда тутилган.

Қарорга кўра «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясига айни ҳудудлардан Тошкент шаҳри ҳамда вилоят марказларида жойлашган олий таълим муассасаларига ўқишга кириш истагини билдирган абитуриентларни 10 июлдан 10 августгача бўлган муддатда бепул темир йўл чипталари билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Ҳукумат томонидан яна бир олий таълим тизимини янада ривожлантиришни такомиллаштириш, уни маблағ билан таъминлашни яхшилаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида давлат ғамхўрлиги кўрсатилаётганлиги намоён этилди.

Олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлашдан тушган маблағлари уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини ўқитишнинг замонавий воситалари билан таъминлаш, педагогик ходимларни моддий рағбатлантириш учун мақсадли фойдаланилган ҳолда, беш йил муддатга солиқлардан озод қилинади.

Ҳукуматимизнинг ушбу қарори республикада узлуксиз таълим тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, ўқув-тарбия жараёни сифатини ошириш, педагоглар ва талабаларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

ҚАШҚАДАРЁ БЕЛНИ МАҲКАМ БОҒЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятига сафари, оддий одамлар, ёшлар, ноз-неъмат бунёдкорлари билан қизғин ва самимий мулоқотлари дилларни жунбушга келтирди. Давлатимиз раҳбарининг иқтисодиётни юксалтириш, деҳқонларнинг иложи борича кўпроқ фойда олишга эришишларини таъминлаш, уларнинг руҳларини кўтаришда моддий манфаатдорликнинг аҳамияти, баъзи муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш хусусидаги йўл-йўриқлари барчани белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишга чорлади.

Ушбу саҳифада ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан).

Вилоят ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида 2000-2003 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа келишувида бозор муносабатлари шароитида ижтимоий шерикчилик тамойилини амалиётга татбиқ

Ижтимоий ҳимоя

26 МИНГ КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

қилиш жамиятимизда янгича ишлаб чиқариш муносабатларини жорий этиш, миллий қадриятлар ҳамда маънавиятни янада юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, аҳолининг турмуш даражасини барқарор ўстириш каби масалалар асосий вазифа қилиб қўйилган.

«Бандлик» дастури асосида ўтган йили 51651 нафар фуқаро меҳнат бозорига чиққан. Янгидан 26 минг иш ўринлари яратилган бўлиб, шундан 23,6 минг ўрин қишлоқ жойларидадир. Шундан 11363 нафари биринчи бор ишга кираётган ёшлардир.

Жамоа келишуви бўйича меҳнат бозорини такомиллаштириш, кичик, ўрта бизнесни ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, корхоналардаги мавжуд иш ўринларини сақлаш, қўшимча иш ўринлари ташкил қилиш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини вужудга келтириш, умумтаълим касб тайёргарлиги бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлашга қаратилган расида ёшларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилаяпти. Биргина шу йилнинг ўзида ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобидан вилоятда 70 мингта иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Бу борада фаоллик кўрсатаётган Муборак, Шўртангаз газ конлари бошқармаси, «Чироқчиконсерва», «Қаршитаъмирлаш заводи», Шаҳрисабздаги «Садо», «Кумуш» ҳиссадорлик жамиятлари, Қарши ёғ-экстракция заводи каби корхоналар раҳбарияти ва касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар ибратлидир.

аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган. Шуларга асосан ишсиз 4833 фуқаронинг 1000 нафари касбҳунарга ўқитилди ва қайта тайёрланди, 181 нафари муддатидан илгари имтиёзли нафақага чиқарилди.

Ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида 5544 иш ўрни ташкил қилиниб, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари орқали 52 та субъектга 145864 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит берилди. Ундан оқилона фойдаланаётган корхоналар соф фойдалари ҳисобидан ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқдалар. Масалан, Косон туманидаги «Шомурод ота» фермер хўжалиги раҳбари Жомурод Алламуродов ўз маблағи ҳисобидан Қашқадарё телевидениеси биноси қурилиши учун 500 минг сўм маблағ кўчирди. Тумандаги 19-мактабнинг 200 нафар аълочи ўқувчисига ҳар чоракда 1000 сўмдан стипендия ва 20 нафар ўқитувчига 2000 сўмдан мукофот пули бериб бораяпти. «Шалола», «Бойчечак», «Бинафша» болалар боғчаларига мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Деҳқонобод туманидан Сайфулла Бекназаров, Қарши шаҳридан Гулчеҳра Примқулова, Нишон туманидан Зиёдулла Фармонов каби ҳомийлар ҳақида ҳам илиқ фикрларни айтиш мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорини шакллантириш бо-

Эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида яйлов заҳматкашлари астойдил тер тўкмоқдалар. Ўтган хўжалик йилини 28 миллион сўм соф фойда билан якунладик.

Меҳнат ва рағбат

ЧЎПОН ҚАДР ТОПДИ

Хўжалигимизда 6 та ферма, 80 та отар бўлиб, ҳисоб-китоб ишлари чек усулида олиб бориляпти.

Даромад кўпайган сари чорвадорлар манфаатдорлиги ошмоқда. Шартнома режаларини ошириб бажарган чўпонларга жами 1200 бош қўзи мукофотга берилди. Пулга ҳисоблаганда бу 6 миллион сўмни ташкил этади. Олинган соф фойдадан чорвадорларга 5 миллион 900 минг сўм дивидент берилди. Иш ҳақи ойма-ой тўлаб борилмоқда.

Хўжалигимизда ишлаётган 650 нафар касаба уюшмаси аъзосининг 320 нафарини чўпонлар ташкил этади. Касабақўм аъзоларидан Шербой Аҳмедов, Эгамберди Жумаев мудирлик қилаётган фермаларда юқори натижаларга эришилди.

Иқтисодий ислоҳот самарасини 4-ферма чўпони Омон Шерқулов мисолида олиб кўрайлик. Моҳир чорвадор 700 бош қўйнинг ҳар юзидан 110 тадан қўзи олиб, 90 фоизини ўстиришга қолдирди ва отар бўйича 1 миллион 665 минг сўмлик даромад келтирди. Натижада у 101 минг сўмлик натура мукофоти, 292 минг сўм иш ҳақи, 100 минг сўм дивидент олди. Кўриб турибсизки, қозон ҳам мой, чўмич ҳам...

Моҳир чўпонлардан Соат Бўтаёров, Маҳми Чориев, Бойқобил Бозоров, Араб Қўйлиев, Зойир Жиянов, Холиқ Шерғозиев, Тўйчи Бойқулов кабиларнинг ҳам кўрган фойдаси рўзғорга барака киритяпти.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ҳамиша эътиборимизда. Йил бошидан бери ногиронлар ва кам даромадли оилаларга 200 минг сўмлик маҳсулот тарқатилди. Ишчиларга 70 тонна дон, 20 тонна ўсимлик мойи берилди.

Чўпон-чўлиқларнинг болалари ўқийдиган 60 ўринли мактаб-интернатга 200 минг сўмлик ашёлар олиб берилди. Акмал Икромов номли мактабни жорий таъмирлашга 500 минг сўмлик маблағ ўтказилди. Хўжалик кутубхонасига 100 минг сўмлик янги китоблар келтирилди. Чорвадорларга иссиқ кийим-кечаклар тайёрлайдиган тикув цехи очилиб, 10 та янги иш ўрни яратилди.

Галлакорларимиз давлатга дон топшириш бўйича йиллик режани ошириб бажардилар. Мустақилликнинг 10 йиллигида бизнес режа бўйича барча тармоқлардан 350 миллион сўм даромад, шу жумладан 40 миллион сўм соф фойда олиш мўлжалланмоқда. Фойданинг 10 миллион сўми аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига сарфланади.

Давлатимиз раҳбарининг қимматли йўл-йўриқ ва маслаҳатлари бозор шароитида янада унумлироқ, баракалироқ меҳнат қилиш омилларини ойдинлаштириб берди.

Зиёқул ЗИЁДУЛЛАЕВ,
«Нишон» қоракўлчилик наслчилик ширкат хўжалиги раҳбари.

РАҚАМЛАР КЎЗГУСИДА

1897 йилда Ўрта Осиёда илк бор ўтказилган аҳоли рўйхати вақтида вилоятнинг ҳозирги ҳудудида 540 минг нафар киши истиқомат қилган.

Ҳозирги пайтда аҳоли сони 2 миллион 215,8 минг кишидан ошиб кетди. Қарши шаҳрида эса 211,5 минг киши яшайди.

Дунёда ноёб ҳисобланган 6 та насос станцияси секундига 240 куб метр сувни Амударёдан 132 метр юқорига кўтариб, далаларга оқизади. Сиғими 1,6 миллиард кубометр бўлган Талимаржон сув омбори воҳанинг йирик обиҳаёт манбаидир.

Қашқадарё мамлакат газининг 88 фоизини, нефтининг 92, олтингугуртининг 100 фоизини етказиб бермоқда. Муборак нефт-газни қайта ишлаш заводи, Шўртангаз конлари бошқармаси ва янгидан бунёд этилган «Шўртангазкимё» мажмуи республикамиз иқтисодиётида салмоқли ўринни эгаллайди.

Ҳудудда 1000 дан ортиқ умумий таълим, 64 та мактабдан ташқари ва 600 дан зиёд мактабгача таълим муассасалари, турли мутахассислар тайёрлайдиган Қарши Давлат университети, муҳандислик иқтисодиёти институти, кўплаб коллежлар ва ўрта ҳунар ўқув юртлари бор. Таълим масканларида 2 нафар академик, 30 нафардан ортиқ фан доктори, 390 нафардан зиёд фан номзоди ишламоқда.

Воҳада турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган 1600 кичик корхона ҳар йили 6,6 миллиард сўмлик, 11 мингдан ошиқ фирмалар 7 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрламоқда. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ишлаб чиқаришдаги салмоғи ортиб боряпти.

14 та туман, 2 та вилоятга, 10 та туманга бўйсунувчи шаҳар, 6 та шаҳар типидаги қўрғон, 120 дан ортиқ қишлоқ фуқаролар йиғини кенгашлари мавжуд.

408 минг гектар суғориладиган майдон бўлиб, йилига ярим миллион тоннага яқин ғалла ва пахта етиштирилмоқда.

Қашқадарё вилояти 1924 йилда ташкил топган. Унинг ҳудуди мамлакат умумий майдонининг 6,3 фоизини ташкил этади.

Қарши шаҳридаги мавжуд 46 та корхонада 100 хил турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти. Ўтган йили 17 та қўшма корхонада 2 миллиард 278 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

ЭҲТИЁЖМАНДЛАР КЎНГЛИ ОЛИНДИ

Яккабоғ тумани марказий шифохонаси бош врачи ўринбосари Инобат Ҳамроева, олий тоифали шифокор Муҳаммади Алиқулов ҳамда болалар шифокори Йўлдош Ўриновларни тоғ бағридаги Чайдари қишлоғида учратдик.

— Ногиронлар ва ёлғиз қарияларни тиббий кўрикдан ўтказиб, уларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатдик, - дейди гуруҳ раҳбари И.Ҳамроева. - Улар доимий назоратимизда.

Ўша куни шифокорлар Карим Ҳасанов, Қурбон Тўраев каби фахрийларнинг хонадонларида бўлиб, дилдан суҳбатлашдилар. Кексаларнинг соғлиғини кўздан кечирдилар. Туман шифокорлари гуруҳи бундан ташқари тоғдаги Хонақа, Чўянли ва Тутак қишлоқларида бўлиб, отахону онахонлар саломатлигини назоратдан ўтказиб, керакли дори-дармонлар тавсия этдилар.

Туман ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда ўзгалар ёрдамига муҳтожлардан 15 кишига тиш протези қўйиб берилди, 4 нафарига эшитув аппарати, 1 нафарига ногиронлик аравачаси совға қилинди. Шу билан бирга 50 дан зиёд қўлтиқтаёқ, кўзойнак, 150 минг сўмлик дори-дармон ҳам эҳтиёж сезганларга бепул тарқатилди. Олти нафар ногирон даволаниш учун сиҳатгоҳларга юборилди.

ҒАЛЛАКОР ИШ ҲАҚИ НАҚД БЎЛСА...

Хўжалигимиз деҳқонлари жорий йилда 2800 тонна ғалла етиштириш, унинг 1800 тоннасини давлатга сотиш бўйича шартнома тузгандилар. Об-ҳавонинг қуруқ келганлигига қарамай мавжуд 66 та ижарачи даласида ҳосил чўғи ёмон эмас. Йиғимтерим ишлари ниҳоясига етмоқда. Икром Нусратов, Нарзулла Саидов, Исроил Умидуллаев сингари тажрибали механизаторлар бошқараётган «КЕЙС» комбайнлари хирмонга барака киритмоқда. Қорақалпоғистон республикасидан ёрдамга келган комбайнчи Файзулла Примбетов ҳам ўзига биркитилган агрегатни юксак унум билан ишлатмоқда.

Галлакорлар учун ҳамма шароит яратиб берилган. Илғорлар рағбатлантириб борилаяпти.

Дала шийпонлари кўнгилдагидек безатилган бўлиб, дам олиш вақтларида телевизор кўриб, радио эшитиш, турли газета-журналлар билан танишиш мумкин. Кунига уч маҳалдан иссиқ овқат тайёрланмоқда. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, агарда машина-механизмлар ишдан чиқгудек бўлса, улардаги камчиликлар шу ернинг ўзидаёқ бартараф этилмоқда.

Султон АҲМЕДОВ,
Косон туманидаги «Чироқчи» жамоа-ширкат хўжалиги механиги.

— Ҳар ким ўз иш ўрнида ўзига биркитилган топшириқни аъло даражада уддаласа, мамлакат обод, фаровон бўлади, - дея уқтиради Косон ёғ-экстракция очиқ ҳиссадорлик жамияти лаборанти Дилфузахон Йўлдошева шогирди Дилдора Боймуродовага.

Тошпўлат ЖЎРАЕВ олган сурат.

БУЮК СОҲИБҚИРОННИНГ ҚУТЛУҒ ИЗЛАРИ

Шаҳрисабз дунёдаги қадимий ва гўзал шаҳарлардан биридир. «Илму адаб қуббаси» деб аталган бу диёрда халқимизнинг фахри — буюк соҳибқирон Амир Темур қадамининг қутлуғ излари бор.

Ям-яшил гўзалликка бурканган, Буюк Ипак йўлида жойлашган бу кўркам шаҳар Америка Қўшма Штатлари, Франция, Япония, Россия, Буюк Британия каби давлатлар археолог-олимларининг эътиборига тушган. Халқаро экспедицияларнинг кўп йиллик изланишларидан сўнг Шаҳрисабзнинг 2750 ёшда эканлиги исботланди ва у ЮНЕСКО ташкилоти томонидан умуминсоният бойлигига эга бўлган шаҳарлар рўйхатига киритилди.

Шаҳрисабз Амир Темур ордени билан мукофотланган ва унинг марказига буюк соҳибқироннинг ҳайкали ўрнатилган. Жаҳонгир томонидан қурдирилган Оқсарой қадимий меъморчилик обидасидир. Доруттиловат, Дорусиодат, Кўкгумбаз, Чорсу каби меъморий ёрғоқлиқлар узоқ тарихдан шоҳидлик бериб турибди.

Мустақиллик йилларида шаҳардаги тарихий меъморий иншоотлар муҳофазаси борасида кўп ишлар қилинди. Президентимиз ва республика ҳукуматининг ғамхўрликлари туфайли шаҳар тарихини ўрганиш учун катта имкониятлар яратилди ва музей ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда музейда 13891 та экспонат сақланмоқда. Жорий йилда уларнинг сони 2891 тага кўпайди. Осори-атиқаларни сақлаш ва келажак авлодларга етказиш чораларини кўрмоқдамиз.

Истагимиз - Шаҳрисабз музей-қўриқхонага айлантирилса, чет эллик сайёҳларнинг келиб-кетиши учун ҳамма қулайликлар яратилса нур устига аъло нур бўлар эди.

Набижон ХУШВАҚТОВ,
Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур номли музей директори.

ҚЎМЧУП ҚУДУҒИНИНГ «ҚОРА ОЛТИН»И

репортаж

Қашқадарё замини нефт ва газ хом ашёсига бой. Биргина «Шўртангаз» конлари бошқармаси йилига 20 миллиард кубометр газни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Геологлар ишлаётган Қумчўп майдонига етиб келганимизда вақт тушга яқинлашиб қолганди. Ҳаво дим. Қуёш аямай қиздирарди.

Ўн бир кишилик меҳнат жамоаси ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам бурғулаш ишларини бир маромда давом эттиришмоқда.

Бехосдан ер остидан гумбурлаган овоз эшитилди. Ер қаттиқ силкиниб, атрофни қуюқ қора туман қоплади. Ҳамма бир-бирини қучиб, табриклай бошлади. Қўмчуп қудуғидан булоқдай «қора олтин» отилиб чиқаётган эди. Ўтган икки йиллик машаққатлар ортда қолди. Ниҳоят, нефт қазувчиларнинг меҳнати ўз самарасини берди.

Ғузор шаҳридан 12 километр масофадаги Катта Ўзбек трактининг ёнгинасида 1998 йил 8 июл куни 4100 метр чуқурликда нефт қудуғи қазишга киришилган эди.

«Косоннефтгазсинаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли Абдурайим Очилов бошлиқ пармаловчилар ҳақиқий меҳнат жасоратини кўрсатдилар.

Биз экспедиция бошлиғи Қабулжон Тўхтаев ва бош геолог Гулмурод Мавлоновни меҳнат жамоаси билан галдаги режалар хусусида суҳбатлашиб турган пайтда учратдик.

— Ишга тушган янги қудуқдан бир кеча-кундузда 51 кубометр нефт қазиб олинмоқда, — дейди экспедиция бошлиғи. — Хом ашёнинг сифати ёмон эмас.

Нефт конида ҳаёт қайнайди. Пармалаш устаси Азамат Қурбонов, бурғуловчилар Хушвақт Норқулов, ёрдамчи пармаловчи Улуғбек Мустанов, мотор юритувчи Илёс Раҳмонов, тажрибали геологлар Лазиз Ҳасанов, Отабек Бозоровлар иш сифати ва суръати учун ҳамиша масъул.

Шўртан майдонида қидирув ишлари давом этмоқда. Бирин-кетин «қора олтин» булоқлари юз очмоқда. Бу хазинатопарларнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига муносиб туҳфасидир.

ЁЛҚИН.

БУ ШАҲАРЧАДА ХАЗИНАТОПАРЛАР ЯШАШАДИ

Оталиқ ёрдами

Республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган «Муборакнефтгаз» конлари бошқармаси ва газни қайта ишлаш заводи мустақиллик йилларида ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олди. Корхоналар ўз ишини пухта эгаллаган маҳаллий кадрлар билан мустаҳкамланди.

Бошқармамиз жамоасининг фидойи меҳнати туфайли ҳар йили 34 миллиард 165 миллион кубометр газ қазиб олинмоқда. Заводда 25 миллиард 826 миллион кубометр газ қайта ишланиб, истеъмолчиларга жўнатилмоқда.

Эришилаётган ютуқлар ишлаб чиқаришда янги технологияларнинг кенг жорий этилаётганлиги, меҳнат интизоми мустаҳкамланганлиги, ишчи-хизматчилар ва инженер-техник ходимлар моддий манфаатдорлиги оширилганлигининг самарасидир.

Бошқарманинг тажрибали оператори, Ўзбекистон Қаҳрамони Б.Рўзиев, автоцех бошлиғи Р.Рўзиев, илғор ишчилардан Р.Қобилов, Қ.Ғойибовлар иш сифати ва суръати учун курашиб, салмоқли натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Бошқарма маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ишларига кундалик муҳим вазифа сифатида қарашади: Шаҳардаги саноат, тиббиёт коллежлари, бизнес мактаби, марказий шифохона, мактаблар ва болалар боғчалари корхонамиз оталиғида. Йилнинг ўтган ойлари мобайнида кам даромадли оилалар ва ногиронларга 2 миллион сўмлик ҳомийлик кўрсатилди. Шаҳрисабздаги «Ёш алангачи» болалар сиҳатгоҳи қайта таъмирланди.

Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилинаётгани боис бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилмаяпти. Энг асосий сабаби эса, инсон саломатлиги, тақдири масалалари билан боғлиқ бундай тадбирлар учун маъмурият ҳам, касаба уюшма ташкилотимиз ҳам маблағни аямаяпти.

Д.БОЗОРОВ.
«Муборакнефтгаз» конлари бошқармаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси.

«Бандлик» дастури амалда

ҚИШЛОҚДАГИ КИЧИК КОРХОНА

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари кенгаши ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан 1998-2000 йилларда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини яхшилаш юзасидан кўпгина ишлар бажарилди.

Буни амалга оширишда олдиндан белгиланган аниқ режа ва тадбирлар дастурилмамал бўлди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва инфраструктурани тез суръатларда кўтариш, ойлик, нафақаларни вақтида берилишини таъминлаш, кўмакка муҳтожларга ёрдамни кучайтириш мақсадида ҳамкорликда «Келишув» дастури ишлаб чиқилди. Шунга асосан 1998 йилнинг 11 февралида қўшма қарор қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга биноан 1998-2000 йилларга мўлжаллаб ҳокимиятлар билан касаба уюшма ташкилотлари ўртасида 14 та, вилоят тармоқ касаба уюшма қўмиталари ташкилотлар билан 25 та, корхона ва ташкилотлар ўртасида 2507 та жамоа шартномалари тузилди.

Ушбу битимларга амал қилиб касаба уюшмалари ҳам барча соҳада ислоҳотларни ўтказишда фаол иштирок этмоқда. Масалан, етакчи тармоқ — қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган меҳнат жамоалари ташкил топди. 125 та ширкат хўжалигининг фаолиятини яхшилашга эътибор кучайтирилди. 139 та хўжаликда оилавий пудрат жорий этилди.

Айни пайтда Сурхондарёда 3008 та фермер хўжалиги бўлиб, уларда 48 минг киши меҳнат қилмоқда. Шунингдек, боғ ва токзорларни ижарага бериш ҳам яхши самара бермоқда.

Ўтиш даврида аҳоли кескин табақаланишига йўл қўймаслик, унинг кам даромадли қисмига кўмаклашиш, меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш, одамлар саломатлигини сақлаш масалаларига ҳам эътибор ошди. Яна бир мисолни мамнуният билан таъкидлаш жоиз, вилоятда 2000 йилда аҳолининг ўртача даромади жон бошига 64,9 минг сўм, харажатлари 52,4 минг сўмга тўғри келди.

«Бандлик» дастури бўйича Сурхондарёда 1998-2000 йилларда 104671 та янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг 99565 таси қишлоқ жойларидадир. 39667 нафар киши халқ хўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди. Жамоа шартномалари бўйича иш берувчилар ҳисобидан 1613 нафар одам қайта ўқитилди ва 3183 нафар кишига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Меҳнаткашларнинг, шу жумладан, ёшларнинг маънавиятини ошириш ҳам бугунги куннинг бош вазифаси. Шу масалага эътибор янада кучайтирилиб, барча касаба уюшма ташкилотларида, давлат ва нодавлат корхоналарда, идора ва муассасаларда маънавият хоналари ташкил этилди. Улар Давлат рамзлари, улуғ алломалар асарлари, Президентимиз китоблари, Ўзбекистон тарихига оид янги адабиётлар билан таъминланди.

Ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдириш ишлари кўлами йил сайин ортяпти. Вилоят ҳудудидаги санаторий-профилакторийларда 1998-2000 йилларда 7767 нафар, республикамизнинг бошқа сиҳатгоҳларида 9878 киши соғломлаштирилди. Бу мақсадлар учун ижтимоий суғурта маблағларидан 334 миллион сўм ўзлаштирилди.

Жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари тўлиқ ўтказилиши таъминланаётир. Биргина вилоят касаба уюшмалари кенгаши ижтимоий-суғурта маблағлари ҳисобидан спортни ривожлантириш учун ўтган йили 29 миллион сўм ишлатилди. Барча шаҳар ва туманларда, йирик корхоналарда теннис кортлари, спорт мажмуалари қурилиб, ёшлар, меҳнаткашлар ихтиёрига берилди.

Меҳнаткашларни саёҳатга олиб чиқиш, маданий дам олдиришни ташкил этиш мақсадида «Сурхон-Сайёҳ» ташкилоти билан ҳамкорликда туристик гуруҳлар ташкил этяпмиз. Мингга яқин киши Термиз-Самарқанд-Бухоро-Хива шаҳарларини кўриб қайтди. Ушбу тадбирлар учун хўжалик ва касаба уюшма аъзолик бадаллари жамғармасидан 5 миллион 735 минг сўм сарфланди.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда адлия бошқармаси билан биргаликда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий билимини ошириш учун Термиз, Денов шаҳарларида, Шеробод, Олтинсой ва Шўрчи туманларида семинар йиғилишлар ўтказди. Шунингдек, кенгаш мутахассислари томонидан корхона, ташкилот, хўжаликларда меҳнат ва меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунларга риоя қилиниши устидан назорат олиб бориляпти. Амалдаги қонунларни бузган 24 шахсга жарима солинди, 205 та ускуна ва дастгоҳлар, 17 та цех ва участкаларнинг иши тўхтатиб қўйилди.

Кенгашга 1998-2000 йиллар давомида меҳнат шартномаларининг ноқонуний бузилиши ҳақида 46 та, ишга жойлаштириш бўйича 40 та, штатлар қисқартирилиши масаласида 54 та, ички меҳнат тартибининг бузилиши юзасидан 251 та, жами 401 та ариза тушди ва аксарияти ижобий ҳал этилди.

Ушбу вилоятда тадбиркорлар сафи кенгаяётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Мулкдорлар юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишяпти. Ўтган даврда «Ташаббус» кўрик-танловида туман, шаҳар босқичларида беш юздан зиёд тадбиркорлик субъектлари иштирок этди. Улардан 100 таси ишбилармонлар, 100 таси деҳқон-фермерлар ва 356 таси якка тартибдаги тадбиркору ҳунармандлардир.

Воҳада «Энг яхши деҳқон-фермер», «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши ҳунарманд» номини олган Узун туманидан Саида Эшмуродова, Денов туманидан Гулчеҳра Ҳайдарова, Музработ туманидан Тўхтамурод Саломов кўрик-танловнинг республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, дипломлар ва Президент соврини мини трактор, «Нексия» автомашинаси ва видео иккилик билан тақдирландилар.

А.САТТОРИЙ,
Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари кенгашининг бўлим мудири.

ҚОРАҚАЛПОҚ БОЛАЛАРИ

Фарғона оромгоҳларида

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қарорида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида Қорақалпоғистон Республикасидан 15 минг ва Хоразм вилоятидан 5 минг боланинг ёзги дам олишини ташкил этиш, республиканинг санаторий-курорт муассасаларида Қорақалпоғистон Республикасидан 3 минг ва Хоразм вилоятидан 1,5 минг аёлни санаторий-курортда ва профилактик даволаш бўйича таклифи маъқулланди.

Ҳозирги кунда ушбу қарор ижросини муваффақиятли таъминлаш юзасидан жойларда қизғин иш олиб борилмоқда.

Бу йил Фарғона вилоят касаба уюшмалари болалар ёзги соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида кенг кўламли ишларни амалга оширди. Мутасаддиларнинг таъкидлашларича, мавжуд 35 та шаҳардан ташқаридаги, 85 та мактаблар қошидаги оромгоҳларда ўғил ва қизлар кўнгилли дам оладилар. Ҳозирги кунда биринчи навбатда 5400 нафар ўқувчи баҳаво, сўлим гўшаларда ёз гаштини суришмоқда.

Эътиборлиси шуки, Фарғонанинг энг яхши оромгоҳларида мавсум давомида 1500 нафар қорақалпоғистонлик болалар дам оладилар. 12 июн куни Оролбўйи воҳасининг 710 нафар қувноқ болалари махсус поездда Фарғонага етиб келдилар. Уларни бу ерда қучоқ очиб кутиб олдилар. Қорақалпоғистон болалари барча шароитлар муҳайё этилган Қўқон шаҳридаги «Коинот», Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхонасига қарашли «Тонг», Фарғона тўқимачилик корхонасининг «Турон шойиси», Механика заводига қарашли «Хумо» ва бошқа оромгоҳларда таътилни мазмунли, завқу шавққа тўлган ҳолда ўтказишади.

Суратларда: қорақалпоғистонлик болаларни кутиб олиш пайти акс эттирилган.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ТЕЗ ВА СОЗ

Андижон вилояти Жалолқудуқ туманида Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигидаги тўқимачилик қўшма корхонасини қуриш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Корхонанинг устав жамғармаси 17 миллион 400 минг еврони ташкил этади. Қўшма корхона йилига саккиз минг тоннадан ошиқ ип газлама ва оқартирилган трикотаж мато ишлаб чиқаради. Янги объект фойдаланишга топширилгач, 600 нафар киши иш билан таъминланади.

OLAMDA

***МАНИЛА.** Филиппин президенти Глория Арройо «Абу Сайёф» экстремистик гуруҳининг гаровга олинган америкалик уч нафар фуқаросидан бирини қатл қилганини кескин қоралади. Президент мамлакат мустақиллиги куни муносабати билан дипломатик корпус вакиллари билан учрашиб, айирмачи гуруҳ вакилининг бу маълумоти ҳали тасдиқланмаганини айтди.*

Хабарларга қараганда, «Абу Сайёф» айирмачи гуруҳи вакили маҳаллий радио орқали америкалик қирқ ёшли Гилермо Соберо қатл қилинганини маълум қилган.

* * *

***ТЕЛ-АВИВ.** Исроил ва Фаластин вакиллари АҚШ Марказий разведка бошқармаси директори Жорж Тенет иштирокида хавфсизлик масаласи юзасидан музокара ўтказди. Бироқ бу мулоқот самарасиз якунланди. Томонлар ўқ отишни тўхтатиш борасида бирон келишувга эриша олмади.*

* * *

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ ҳукумати мамлакат ҳарбий-ҳаво кучлари учун лазерли қурол ишлаб чиқариш дастури ижросига жорий йилда қўшимча 153 миллион доллар ажратишга қарор қилди. Ҳукумат вакилининг айтишича, мазкур дастур ракетадан мудофаа тизимининг бир қисми ҳисобланади.

Ушбу дастур бўйича ишлар 1994 йилда бошланган эди. Ҳукумат жорий йил бошида дастур ижроси учун 234 миллион доллар ажратди. АҚШ қуролли кучларида 2008 йилга бориб лазерли замбараклар ўрнатилган «Боинг-747» русумли еттита самолёт пайдо бўлади. Бу замбараклар тахминан 640 километр узоқликдаги ракетани йўқ қилишга қодир.

* * *

***ОЛМАОТА.** Қозоғистонда Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси давлатлари вакиллари иштирокида сўз эркинлиги масалаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Унда оммавий ахборот воситалари, ижодий уюшма, ноҳукумат ва давлат ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.*

* * *

ТОКИО. Японияликларнинг янги Бош вазир Дзюнитиро Коидзумига ишончи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Киодо Цусин агентлиги томонидан ўтказилган навбатдаги сўров натижаларига кўра, иштирокчиларнинг 85 фоизи Бош вазир ва унинг ҳукумати мамлакатда муваффақиятли ислоҳотлар ўтказишига ишонмоқда. Бу аввалги сўров кўрсаткичидан беш фоиз кўп.

* * *

Македония ҳукумати можаро бўлаётган ҳудудда ўт очишни вақтинчалик тўхтатишини эълон қилди. Бироқ унинг муддати ҳақида ҳозирча ҳеч нарса маълум эмас. Расмий манбаларда айтилишича, вақтинчалик ярашув Куманово шаҳрини сув билан таъминлаш ва «Миллий озодлик армияси» назоратида турган аҳоли турар-жойларига озиқ-овқат етказиб бериш учун зарур бўлган.

* * *

Кения тарихида илк бор ҳукумат таркибига мухолифат вакиллари кирди. Президент Дониэл арап Мои фармони билан мухолиф Миллий тараққиёт партияси йўлбошчиси Раил Одинга энергетика вазири этиб тайинланди. Ушбу партиянинг яна бир вакили Адху Овити иқтисодий режалаштириш вазири бўлди. Шу вақтгача Кенияда ҳукумат фақат ҳукмрон КАНУ партияси аъзоларидан таркиб топар эди.

(ЎзА).

NIMA GAP

«Ишонч» ёрдамга келди

МАОШ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Таҳририятимизга «Муборакнефтгаз» конлари унитар корхонасига қарашли сув хўжалигининг собиқ ишчиси Иброҳим Юсупов ўз иш ҳақини ололмаётгани хусусида шикоят хати билан мурожаат қилган эди. Хат текшириш ва чора кўриш учун «Муборакнефтгаз» корхонаси раҳбариятига жўнатилди.

Яқинда таҳририятимиз «Муборакнефтгаз» конлари унитар корхонаси бошлиғи, Олий Мажлис депутати Н.Зайниевдан жавоб хати олди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«И.Юсуповнинг аризаси сув хўжалиги раҳбарияти ва хат муаллифи иштирокида, бошқарма қошидаги ариза, шикоятлар билан ишлаш комиссиясида атрофлича кўриб чиқилди ва аризачи фойдасига ижобий ҳал қилинди».

Хатга И.Юсуповнинг изоҳ хати ҳам илова қилинган. Унда ишчи ўзига тегишли бўлган 25.389 сўм пулни олганлигини баён қилган ва таҳририятга миннатдорчилик билдирган.

Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?

ДАВОЛАШ БЎЛИМЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Оролбўйи ҳудудида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тубдан яхшиланиб боряпти. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган, малакали кадрлар ишлаётган янги-янги шифохоналар сони ой сайин кўпаймоқда. Бизнинг шифохона ҳам шулар жумласидан бўлиб, 1996 йилда дастлабки беморларни қабул қилди. Унинг қошида бир йўла 250 нафар мижозга хизмат кўрсатиш имконига эга поликлиника ҳам намунали фаолият кўрсатаётир.

Бу ерда 4 та бўлим — болалар, терапия, физиотерапия, кундузги стационарда 60 нафар бемор даволанаяпти.

Мамлакат мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланадиган йилда қувончли воқеа юз берди. «Қоратоғ-Мискин-Учқудуқ» йўналишидаги темир йўл қурилиши фойдаланишга топширилди. Бу шу соҳа ходимларига хизмат кўрсатувчи жамоамиз аъзолари олдига улкан вазифалар қўйди. Айни пайтда Чимбой, Қўнғирот шаҳарларида бўлимларимиз ишлаб турган бўлса, энди уларнинг каторига Тўрткўл, Жумуртов станциялари ҳам қўшилди. Шунингдек, янги темир йўл йўналиши бўйлаб Бузовбой станциясигача бўлган масофада истиқомат қилувчи, меҳнат қилаётган темир йўлчилар, уларнинг оила аъзоларига ҳам тиббий хизмат кўрсатамиз.

Бозор муносабатларига ўтиш бизнинг соҳага ҳам ўз таъсирини ўтказди. Темир йўлчилардан ташқари беморларга пуллик хизмат кўрсатишни йўлга қўйдик.

Эндиги вазифамиз аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморларга муолажа кўрсатишни янада яхшилашдан иборатдир. Шу мақсадда тағин иккита — жарроҳлик ва диагностика бўлимларини очишни режалаштирганмиз.

Жалғас САТУЛЛАЕВ,
Хўжайли темир йўл шифохонаси бош шифокори.

Сўраган эдингиз

«ПРОКУРАТУРА ТЎҒРИСИДА»

(Боши ўтган сонда).

Уларда прокурорлик назоратини амалга оширишнинг қуйидаги жуда муҳим тамойиллари баён этилган:

1. Прокуратура органлари марказлашган тизим эканлиги, маҳаллий давлат органларидан, тармоқ идораларидан, уларнинг таъсиридан холи эканлиги; бирор давлат идораси ёки мансабдор шахс прокурорнинг фаолиятига аралаша олмаслиги;

2. Прокуратура сиёсий партиялар, сиёсий мақсадларни кўзда тутувчи ҳаракатлар билан боғлиқ бўлмаслиги;

3. Прокуратура ўз фаолиятида демократия, ошкоралик тамойилларига риоя қилиши ва кенг жамоатчиликка суяниши.

Прокурорлик фаолиятининг асосий йўналишлари 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун билан белгиланган ва асосан қуйидагилардан иборат:

а) умумий назорат, яъни барча давлат ижроия органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маъмурияти, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг қарор ва фармойишлари қонунга мос бўлишини таъминлаш; уларнинг қонунга зид қарорлари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисида шикоят ва бошқа турдаги мурожаатларни текшириш ҳамда ҳал этиш;

б) жиноят ишлари бўйича ўтказиладиган суриштирув ва тергов устидан назорат юритиш, уларнинг камчиликлари ва хаталарига барҳам бериш чораларини кўриш; шу мақсадда бевосита тергов олиб бориш;

в) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг фаолиятини мунтазам мувофиқлаштириб бориш, улар ўртасида ҳамкорликни таъминлаш;

г) судда фуқаровий, хўжалик, маъмурий ва жиноий ишларни кўришда тараф сифатида иштирок этиш, шу жумладан, давлат номидан айбловни қўллаш;

д) суд ҳукмлари, қарорлари ва ажримларининг ижросини текшириб туриш, жазони ўташ шароитлари қонун талабларига зид бўлмаслигини таъминлаш.

Прокуратура фаолиятида айниқса вояга етмаганлар содир этадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳуқуқий маърифат тарғиботи билан шуғулланиш вазифалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳоллари бўйича прокурор тегишли давлат органларига, маъмуриятга ёки мансабдор шахсга протест (эътироз) билдириши, тақдимнома киритиши, огоҳлантириши мумкин ёхуд суд иши қўзғатишга ҳақли. Суд ишлари бўйича прокурорнинг ваколатлари процессуал кодексларда батафсил баён қилинган. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бир қанча муайян масалалар бўйича буйруқ, кўрсатма ва йўриқномалар беради ва улар қонуннинг устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу кунларда «Прокуратура тўғрисида» Қонуннинг янги таҳрири кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилинган. Унда прокурорнинг асосий вазифаси биринчи навбатда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги алоҳида таъкидланган.

Ишонаманки, умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинган янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун мамлакатимиз ҳаётида жуда катта аҳамият касб этади. Унда давлат бошқарувининг прокурорлик назоратига оид фаолияти ҳозирги замон талабларига мос бўлиши назарда тутилган. Зеро, ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришда прокурорлик хизматининг роли беқиёсдир. Қонун устуворлигини таъминлаш ва адолат тантанасига эришиш кўп жиҳатдан прокурор назоратига боғлиқ экани шубҳасиз. Шу сабабли прокуратура фаолиятини тартибга солувчи қонунга кўпгина давлатларда конституциявий қонун мақоми берилган.

Лойиҳа амалдаги қонундан анчагина фарқ қилади. У прокурорлик фаолиятнинг барча асосий йўналишларини ўз ичига қамраб олган. Деярли барча муҳим масалалар унда аниқ ва изчиллик билан акс эттирилган. Лойиҳанинг ички тузилиши ҳам мантиқан бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳуқуқий нормаларни навбатма-навбат акс эттиради. Тил жиҳатидан ҳам лойиҳанинг матни анча равон ва содда.

Унинг барча ижобий жиҳатларини таърифлаб, батафсил тўхтамасдан, лойиҳани янада сермазмун бўлишига эришиш ва маромига етказишга мўлжалланган баъзи фикр-мулоҳазаларимни билдиришни мақсадга мувофиқ деб топдим.

Биринчидан, прокуратура қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширувчи давлат органи эканлиги лойиҳанинг биринчи моддасига жуда ўринли таъкидланган.

Ғ.АБДУМАЖИДОВ,
профессор.

(Давоми бор).

ФАРҲОД — ОЛТИН КАМАР СОҲИБИ

Фахр

Фарҳод Бакиров Ўзбекистон профессионал бокси тарихига Осиё профессионал бокс ассоциацияси - ПАБАнинг биринчи чемпиони сифатида киради. Фарҳод ушбу чемпионлик унвони ва олтин камарни Ассоциациянинг Тошкентда бўлиб ўтган чемпионатида қўлга киритди. У ҳал қилувчи жангда индонезиялик чемпион Давид Касвара билан куч синашди.

- Ўзбекистон профессионал бокси ҳали ёш бўлишига қарамасдан, унда яхши боксчилар борлигини билардим, - дейди, жангдан сўнг Давид Касвара. - Фарҳод Бакировнинг ғалабаси бунинг исботидир. Мен ушбу турнир иштирокчиларини қабул қилган меҳмондўст мамлакатингизда бўлганимдан хурсандман.

Турнирда интерим чемпион, яъни ПАБА чемпионини рингга чақириш ҳуқуқини берувчи унвон эгаси аниқланмади.

- Ушбу унвонга даъвогарлар - тошкентлик Мехчи Маҳкамов ва бухоролик Акмал Аслановнинг бугунги кунда спорт маҳорати бир хил даражада, - дейди Ўзбекистон профессионал бокс ассоциациясининг биринчи вице-президенти Дониёр Эргашев. - Шу сабабли Осиёнинг энг яхши ҳакамларидан иборат ҳайъат ғолибни аниқлашда қийналди. Бундай вазиятларда ПАБА қоидаларига кўра ушбу унвон эгасининг ўрни бўш қолдирилади.

ҚУРАМАДА ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Олтинсой туманида 116 минг нафар аҳоли яшайди. Шу боис, тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида туман марказий шифохонаси қошида шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими ишга туширилди. Мазкур шифо маскани 20 ўринли бўлиб, беморларга 18 нафар малакали тиббиёт ходими хизмат кўрсатяпти.

— Шу билан бирга «Зардахол», «Мармин», «Шакарқамиш», «Бибизайнаб» аҳоли истиқомат жойларида қишлоқ шифокорлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди, - дейди туман марказий касалхонаси бош ҳакими Жўрабек Тошбоев. - Яқин орада шундай пунктлар яна биттага кўпаяди ва «Қурама» қишлоғи аҳолиси ихтиёрига берилади.

Суратларда: шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими биносининг умумий кўриниши; тажрибали ҳамшира Мавжуда Добилова.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.

Касаба уюшма тадбири

СПАРТАКИАДА БЕЛЛАШУВЛАРИ

барчанинг қалбида ўчмас из қолдирди

«Боғи-Эрам» маданият ва истироҳат боғи ҳар қачонгидан-да байрамона безатилган. Тошкент вилояти енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитасининг учинчи спартакиадасига таклиф этилган барча жамоа иштирокчилари ҳаяжонда...

Дарҳақиқат, спартакиада қатнашчиларининг ҳаяжонланганича бор экан. Беллашувлар кутилганидан ҳам қизғин бошланди. Шахматашашка, волейбол, мини футбол, стол тенниси ҳамда Оналар ва болалар йилига бағишланган эркин мавзудаги чиқишлар барчанинг қалбида ўчмас из қолдирди.

Айниқса, аёллар ўртасидаги шахматашашка, стол тенниси, шунингдек, мини футбол ўйинлари ҳам ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлганлиги билан ажралиб турди.

— Бу йилги спартакиада ўйинлари ўзгачаруҳда ўтди. Тадбирга илк марта вилоят кўзи ожизлар жамияти ҳам таклиф этилди, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Тожихон Қобулова. — Улар айниқса, шахмат-шашка мусобақаларида фаол қатнашиб, юқори натижаларга эришдилар. Ниятимиз, уларни кейинги ўтказиладиган тадбирларимизга ҳам жалб этиш.

Ҳакамлар Тошкент вилояти газ бошқармаси, Чирчиқ шаҳар «Гунча», Ўрта Чирчиқ тумани «Кобул-Ўзбек» қўшма корхонаси жамоаларини ғолиб деб топишди.

14 та жамоа иштирок этган спорт мусобақаларида умумжамоа ҳисоби бўйича биринчи ўрин «Кобул-Ўзбек» қўшма корхонаси жамоасига, иккинчи ўрин Тошкент вилояти коммунал эксплуатация бошқармаси вакилларига, учинчи ўрин эса Чирчиқ шаҳрининг «Гунча» жамоаларига насиб этди.

— Спартакида ўйинлари жуда қизиқарли ўтди, — дея фикрини ифодалади «Боғи-Эрам» маданият ва истироҳат боғи раҳбари муовини Эргаш Машаев. — Иштирокчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун керагича шароитлар яратилди. «Боғи-Эрам» гуруҳи санъаткорлари уларга мазмунли хизмат кўрсатишди.

Ангрен кўзи ожизлар жамияти вакили Шуҳрат Очилқувватовнинг қувончи чексиз эди:

— Бундай мусобақада илк маротаба қатнашиб биринчи ўринни олганлигим учунми, жуда ҳаяжондаман. Шундай қизиқарли тадбир уюштирган ташкилий қўмитага, боғ маъмуриятига ўз миннатдорчилигимизни билдираман.

Баҳром МУРОДОВ, «Ишонч» мухбири.

Термизнинг 2500 йиллик юбилейи олдидан

БОҚИЙ ШАҲАР

ёки Термиз дарғалари

Айқириб оқаётган Жайҳун соҳилидаги қўҳна Термиз жуда кўп маротаба ўзга юртлар истилоси илинжидаги босқинчилар хуружларига гирифтор бўлди. Бир неча марта ер юзидан бутунлай йўқ қилиб ташланди. Баъзан эса талошлар гирдобида қолган Термиз душман кучларни иккига бўлиб турган сарҳад вазифасини ўтади. Табиийки, бундай пайтлар шаҳар гўёки эгасиз қоларди. Лекин шаҳарда ҳеч қачон ҳаёт тўхтамади. Халқ ўзининг кундалик турмуши билан банд бўлди. Тўй қилди, экин-тикин, чорва, ҳунармандчилик билан машғул бўлиб, фарзандлар ўстирди.

Шаҳарнинг меҳнаткаш ва танти халқи, қалби жануб офтобидай қайноқ, руҳи Жайҳун мисоли мард фарзандлари юртни омон сақлаб келди. Қолаверса, Термиз азалдан улуғ алломалар шаҳри эди. Бу заминдан етишиб чиққан азиз авлиёлар эса бамисоли юртга бир қалқон эди.

Бу юртнинг энг улуғ фарзандларидан бири, тириклигида ҳам, вафотидан сўнг ҳам юрт тупроғини босқинчилардан, халқ дилини имон сустлигидан омон сақлаб турган зот Муҳаммад бин Али Ҳаким Термизий (тахминан 820-900-йиллар) эди. Шайх Фаридиддин Аттор ул зотни Шарқда маълуму машҳур бўлган тўқсон олти шайхнинг бири эди, дея таърифлайди. Ҳазрат Навоий эса «Насойим-ул муҳаббат» китобида «ул зоти боборакот ҳақида «Ривоят қилурларким, ҳар якшанба Хизр анинг била келиб мулоқот қилур эрди ва воқеаларни бир-бирларига айтурлар эрди ва сўзлашурлар эрди», деб ёзган эди. Ул зотни халқ, мана, орадан роса бир минг юз йил ўтибдики, Термиз ота деб улуғлайди. Табаррук хоки пойи ётган мақбарасидан ҳамон ихлосмандларнинг қадами узилмайди.

Умр бўйи инсониятни яхшилик ва эзгулик йўлига бошлаган, дилларни асл ислом чироғи билан ёритишга интилган Термиз отанинг «Илал-аш-шариат ва Хатм ул-Авлиёт» китобларига ислом уламолари тез-тез мурожаат қилиб турадилар. «Китоб ан-наҳи» (Йўриқнома китоби), «Китоб ал-фуруҳ» (Оллоҳдан қўрқувчилар ҳақида китоб) асарлари ҳам машҳур бўлган. Муаррихларнинг гувоҳлик беришича, олис Испаниянинг Андалусия вилоятида яшаб ўтган йирик исломшунос олим Муҳйиддин ибн ал-Арабий (1165-1240) ўзини Термиз отанинг шогирди санар экан.

Термиз отанинг мақбараси Кўҳна Термиз ёнида, Жайҳун соҳилидаги баҳаво масканда барпо этилган. Йиллар шамоли, довулу селлар унинг минг йиллик ғиштларини емиришга интилган бўлса ҳам, ҳар safar миннатдор авлодлар уни қайтадан илгаригидан кўркамроқ этиб тиклашган. Фақат кейинги мустамлака замонларидагина мақбара ёнига халқни йўлатмай қўйишди. Мақбарани бузиб ташлашга уринишлар ҳам бўлган, лекин минг йил давомида Термизни омон сақлаб келган зотнинг руҳи ўз мақбарасини бузишларига йўл қўярмиди, дейсиз. Кейин, одам қилолмаган ишни вақт қилади, деб мақбарани ўз ҳолига ташлаб қўйишди. Хайриятки, истиқлол шарофати билан халқ яна ўз авлиёларининг мақбарасига борар йўлни очди. Ҳозир мақбара илгаригидан ҳам обод, олис ва яқиндан ёпирилиб келаётган зиёратчиларнинг кўнглига фараҳ, дилига имон саломатлигини қуйиб турибди.

Ислом дини дунё бўйлаб тарқала бошлаган илк даврларда Термизга пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламнинг яқинларидан бир нечаси келиб ўрнашган эди. Уларнинг авлодлари бўлмиш Термиз саййидлари кейинчалик шаҳарнинг ички ҳаётини бошқаришда, халқ ўртасидаги турли маиший ва диний можароларни ҳал этишда катта нуфузга эга бўлган. Мовароуннаҳр заминида салтанат тутган барча ҳукмдорлар уларга ҳурмат ва эҳтиромини турли совға-салом, эҳсонлар билан билдириб туришни ўзларига фарз санашган.

Термиз саййидларининг хоки ётган Султон Саодат мақбара мажмуининг қурилиши ўнинчи асрларда бошланган. Бу ердаги аксар мақбаралар XV-XVII асрларда қуриб битказилган. Мустамлака даврида бу мажмуа ҳам вайрона ҳолига келган эди. Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан миллий қадриятларимизга алоҳида эътибор берилаётгани боис, қолаверса, Термизнинг 2500 йиллик тўйи баҳона қайта тикланмоқда. Сайёҳларнинг кўзини қувнатадиган обод бир масканга айланаётир.

Мусулмон НАМОЗ, ЎзА мухбири.



Бир шингил

КОНФЕДЕРАЦИЯ ТАКЛИФИ БИЛАН

Ўзбекистонлик бир гуруҳ театр санъати ижодкорлари Москвада ўтказилган «Жаҳон театр олимпиадаси»да иштирок этдилар. Дастлаб Грецияда, сўнгра Японияда уюштирилган бу анъанавий халқаро маданий тадбирда Ўзбекистон театрларида саҳналаштирилган спектакллар ҳақида ҳам яхши фикрлар билдирилди.

Ўзбекистонлик санъаткорлар гуруҳи Москва театр арбоблари уюшмаси конфедерациясининг аъзоси сифатида ушбу олимпиадага таклиф этилди.

ХАЛҚАРО ДАСТУР ДОИРАСИДА

Ўзбекистон Фанлар академияси билан Буюк Британия қироллик жамияти ўртасида халқаро илмий тажриба алмашув йўлга қўйилди. Ўзаро келишувга биноан Англиядаги Кардифф университети доктори Роберт Райдинг Ўзбекистон Фанлар академияси Геология ва геофизика институти олимлари билан тадқиқотлар ўтказишга киришди. Бу изланиш геологиянинг палеонтологик йўналиши бўйича ташкил этилиб, китоб геологик қўриқхонаси ҳудудида ўсимлик дунёсини ўрганиш имконини беради.

ТЕСТ ЎТКАЗИШ МАРКАЗИ

Бухоро Давлат университети ҳамда тиббиёт институти компьютер синфи негизида масофадан туриб компьютерда тест ўтказиш маркази ташкил топди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази саъй-ҳаракати билан очилган ушбу даргоҳ абитуриентларга олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида ёрдам бериш билан шуғулланади.

Янги марказ тест ўтказиш технологияси бўйича дастурларга ҳам эга бўлди.

Шерзод ДОНИЁРОВ.

Халқлар ўртасида тинчлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли миллатлар маданият марказларининг ўзига хос ўрни бор. Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида пойтахтимизда ташкил этилган Хитой маданият маркази ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

МУСИҚА КЕЧАСИ

Шу муносабат билан Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида катта байрам концерти бўлиб ўтди. Хитой Халқ Республикасининг юртимиздаги элчихонаси уюштирган ушбу мусиқа кечасида чет эл ваколатхоналари, хорижий компания ва фирмаларнинг вакиллари, мусиқа ихлосмандлари иштирок этди.

Концертда Алишер Навоий номидаги Давлат катта академик опера ва балет театрининг яккахон хонандалари ва Ўзтелерадиокомпания қошидаги камер оркестри ижросида ўзбек бастакорлари асарлари билан бир қаторда, жаҳон, жумладан, хитой мумтоз мусиқаси намуналари янгради.

Излаган имкон топар

МАКТАБЛАРДА МУАММО БЎЛМАЙДИ

— 23 та ўрта таълим мактабларида ва 10 та болалар боғчаларида таъмирлаш ишлари бошланган, - деди республика халқ таълими вазирлигининг масъул ходими Жанабой Қорибоев «Туркистон-пресс» мухбирига. - Яқинда 22 миллион сўмга 348 дона парта сотиб олиниб, Кегейли туманидаги биринчи ва Чимбой туманидаги 40-мактабларга берилди. Шунингдек, 37 миллион сўмга 4 та компьютер сотиб олинди.

Ж.Қорибоевнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича ўтган ўқув йилида 2-11-синфларнинг 54 минг нафар ўқувчисига Элликқалъа туманидаги «Элтекс» ҳиссадорлик жамиятидан 220 миллион 631 минг сўмга мактаб ўқувчилари кийимлари, «Элликқалъатутунув» ҳиссадорлик жамиятидан 3 минг 350 нафар ўқувчига 10 миллион сўмга пойафзаллар ҳамда 19 миллион 328 минг сўмга «Билим» нашриётидан ўқув дарсликлари олиб берилди.

ЮНИСЕФ жамғармаси Чимбой туманидаги мактабларни таъмирлашга кўмаклашиб, Тахтакўпир, Мўйноқ, Тўрткўл туманларидаги мактабларга компьютерлар ҳадя қилди.

— Ҳомий ташкилотларнинг кўмагига ҳам таянаяпмиз, - деди сўзида давом этиб Ж.Қорибоев. - Бугунги кунда республикада авария ҳолатидаги 11 мактаб бор. Нукус шаҳридаги 10-мактабга 16-автокорхона бино қуриб бермоқда. Қонликўл туманидаги 5-мактабнинг қурилиш ишлари ҳашар йўли билан олиб борилмоқда. Чимбой туманидаги 36-мактабнинг қўшимча иморати бунёд этиляпти. Қурилишлар тезроқ ниҳоясига етса, мактабларда муаммо бўлмайди.

ДАРАХТ ТАГИДАГИ БОЙЛИК

Кучли шамол туриб олма дарахтини илдизи билан суғуриб кетди. Бу ҳодиса Эстониянинг Каунас шаҳри атрофидаги бир қишлоқ мактабининг боғида рўй берди.

Эртасига қулаган дарахтни бир четга олиб қўймоқчи бўлган мактаб ўқувчилари дарахт илдизи ўрнида ҳосил бўлган чуқурликда бир хумни кўриб қолишди.

Уни очиб қарашса, ичи олтин тангалар билан лиқ тўла экан. Тангалар ичида 1824 йилда чиқарилган бир нечта Америка доллари ҳам бор эди.

Археологлар бу хазина сирини очиш устида бош қотиришмоқда.

«БОЛ» ҚЎШИМЧАСИ ХУСУСИДА

«Волейбол», «Баскетбол», «Гандбол», «Ватерпол», «Мотобол» сўзларининг ҳаммаси «бол» қўшимчаси билан тамомланади. Бу қўшимча аслида инглизча сўздан олинган бўлиб, «тўп» деган маънони беради.

Қолган сўзларнинг асоси эса киши гавдаси аъзоларининг ҳаракатини, ўйнаш муҳитини билдиради.

Тўп спортнинг талай соҳаларига оид бўлгани ва ҳар бирида ўлчами, оғирлиги ва ясалган материалига кўра ўзаро фарқлангани билан у фазодаги механиканинг умумий қонунларига бўйсунади.

65 МЕТРЛИ ЧАРХПАЛАК

Баландлиги 65 метрли кўҳна чархпалак Венадаги машҳур «Пратер» хиёбонида бундан салкам 100 йил муқаддам австралиялик ва англиялик муҳандислар томонидан ясалган.

Бу ўша давр учун техника мўъжизаси ҳисобланган. Лекин ҳозир ҳам сайёҳлар чархпалакка чиқиб, Австрия пойтахтининг ҳашаматли кўринишлари ва унинг теварак-атрофида парвоз этаётган қушларни завқ билан томоша қилмоқдалар.

Турфа олам

Акбар АЛИЕВ тайёрлаган

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6